

## ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ ГЕРБНИНГ ЯРАТИЛИШИ ТАРИХИГА ДОИР



Жамшид Адилов

катта илмий ходим

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Миллий археология маркази

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V5-04-14>

**Аннотация:** Мақола Туркистон генерал-губернаторлиги гербининг яратилиш тарихини ўрганишга бағишланган. Муаллиф гербга минтақанинг сиёсий, тарихий ва маданий хусусиятларини акс эттирувчи давлат рамзларининг муҳим элементи сифатида қарайди. Гербнинг яккашоҳ, эман новдаси, Андрей тасмаси каби гералдик элементлари ва уларнинг рамзий маъноси таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** Туркистон генерал-губернаторлиги, герб, геральдика, тамга, нишон, Россия империяси, Марказий Осиё, яккашоҳ, қалқон.

**Аннотация:** Статья посвящена изучению истории создания герба Туркестанского генерал-губернаторства. Автор рассматривает герб как важный элемент государственных символов, отражающий политические, исторические и культурные особенности региона. Особое внимание уделяется анализу геральдических элементов герба, таких как единорог, ветви дуба и лента Андрея Первозванного и их символическое значение. В статье прослеживается процесс формирования геральдики Туркестана, начиная с первых попыток создания городского герба Ташкента и заканчивая утверждением герба генерал-губернаторства в 1882 году.

**Ключевые слова:** Туркестанское генерал-губернаторство, герб, геральдика, тамга, эмблема, Российская империя, Центральная Азия, единорог, щит.

**Abstract:** The article devoted to the study the history of creation of the coat of arms of the Turkestan General-Governorate. The author considers the coat of arms as an important element of state symbols, reflecting the political, historical and cultural peculiarities of the region. A special attention is paid to the analysis of the heraldic elements of the coat of arms, such as the unicorn, oak branches and St. Andrew's ribbon, and their symbolic meaning. The article traces the process of formation of the heraldry of Turkestan, starting with the first attempts to create the city coat of arms of Tashkent ending with the approval of the coat of arms of the General-Governorate in 1882.

**Keywords:** Turkestan Governor-Generalship, coat of arms, heraldry, seal, emblem, Russian Empire, Central Asia, unicorn, shield.

Давлат рамзлари ичида герблар тарихий жиҳатдан қадимгирок ҳисобланади. Герб бирон-бир мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий ва тарихий хусусиятдаги ғоялари мажмуасини, ўзига хос табиий ва ҳўжалик хусусиятларини, табақавий тавофутларини, шахс, уруғ ва бошқаларнинг шажараларини ифодаловчи алоҳида рамзий белгидир. Ўз навбатида эса, герблар давлатлар, уларнинг алоҳида қисмлари (вилоят, округ, штат ва ҳ.к.), шаҳарлар, сулолар ва алоҳида шахсларга тегишли бўлиши ҳам мумкин.

Гербларни ўрганувчи фан геральдикадир. Геральдика маҳсус тарихий фан бўлиб, у маълум бир қоидалар асосида тузиладиган рамзий белгилар – гербларни ва улар ҳақидаги маълумотларни ўрганади [13:40; 1:1]. Тарихий тадқиқотларда геральдика методларини қўллаш аввало, манбаларнинг санасини аниқлаш, уларнинг у ёки бу даврга оидлигини кўрсатиш учун хизмат қилади. Шунингдек, геральдика воситасида у ёки бу манбанинг

тегишлилигини, қаерда ва ким томонидан яратилганлигини, қолаверса, қандай аҳамиятга эга эканлигини (хужжатнинг статусини) аниқлаш мумкин. Бунда бевосита манбада акс эттирилган гербнинг мавжудлиги бош омил ҳисобланади. Герб билан боғлиқ ҳолда тарихий манбаларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва улар орқали маълум бир даврнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий аҳолини очиб бериш, ҳукмдорлар, сулолалар, шахслар, воқеаларни даврлаштириш мумкин. Бу бевосита давлатчилик тарихини ўрганиш учун хизмат қилади.

Россия империясининг кириб келишига қадар, Ўрта Осиё учун геральдиканинг тадқиқот объекти бўлган классик герб тушунчаси бегона бўлган. Гербларнинг вазифасини минтақада қадимдан мавжуд бўлган ва ўзига хос тарзда ривожланган турли белгилар, тамғалар ва туғролар – монограммалар бажарган [4]. Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё ҳудудларининг бронза давридан то энг янги давргача (XX асрнинг биринчи учдан бир қисмигача), уч-тўрт минг йилликлар давомида нишон/тамға [3:60-69; 5:18;] каби ўзига хос идентификация белгиларидан фойдаланиш амалиёти мавжуд бўлган.

Тўғри, ўлка учун давлатчиликнинг янги рамзи бўлган герблар бир қарашда Россия империяси давлатчилиги аъналарини ўзида мужассам этган. Аммо гербларнинг чуқур таҳлили шуни кўрсатадики, улардаги тасвир ва рамзларнинг семантикасида маҳаллий давлатчилик белгиларининг айрим жиҳатлари сақланиб қолинган. Бу даврда Туркистон генерал-губернаторлигидаги маъмурий бирликлар (шаҳарлар, вилоятлар ва ўлка) гербларининг шакли ва кўриниши, уларнинг тузилишини таҳлил этиш орқали метрополиянинг ўлкага бўлган муносабати, ўлканинг империя олий амалдорлари тасавурида гавдаланиши ҳақида маълумот олишимиз мумкин. Бу жиҳатдан империянинг маҳаллий амалдорлари ва маъмурларининг фикр ва қарашлари уларнинг метрополиядаги ҳамкасбларидан фарқ қилиши билан диққатга сазовордир. Бунга 1890 йил 31 январда тасдиқланган Самарқанд вилояти герби ёрқин мисол бўлиши мумкин [Қаранг: 7:159-167] (IV расм).

Шу ўринда муаммонинг бугунги кунга қадар деярли ўрганилмаганлигига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Умуман олганда, давлатчилик тарихининг муҳим бир таркибий қисми бўлган гербларга доир тадқиқотларни Ўзбекистон тарихшунослигида ҳам камлиги масаланинг долзарблигини янада оширади. Бугунги кунга қадар айнан Туркистон генерал-губернаторлиги геральдикаси тарихига доир фақатгина илмий-оммабоп, тавсифий хусусиятга эга бир қанча ишлар мавжуд [10; 12; 20:15; 21; 22]. Изланишлар натижасида геральдика методлари асосидаги В.А. Бочин ва Д.А. Алимова томонидан ХХСР гербига бағишлаб яратилган тадқиқотлар ҳозиргача бу йўналишдаги ягона илмий ишлар эканлиги аниқланди [9: 269-270; 11: 92].

Методологик жиҳатдан бу масалани ёритишда Туркистон генерал-губернаторлигида мавжуд бўлган гербларнинг генезиси Россия империяси геральдикасига бориб тақалганлиги боис бу ўринда асосан замонавий россиялик муаллифларнинг назарий тадқиқотларига таянилади [14: 118-127; 15: 50-52; 16: 126-127; 17: 109-116; 18: 27-30; 24].

Россия империяси, Ўрта Осиё ҳудудини босиб олиш жараёнидаёқ, бу ерда ўз маъмурий тизимини ўрната бошлайди. Шунингдек, ўлкада Россия империяси томонидапхн давлатчилик белгилари – байроқ, герб, пул ва ҳ.қ.лар жорий этила бошлайди. Хусусан, Тошкент шаҳри учун 1866 йилдаёқ шаҳар герби лойиҳаси ишлаб чиқилди (V расм). Бу лойиҳа маълум бир сабабларга кўра қабул қилинмай қолган бўлса-да, у ўлкада айнан биринчи ўзига хос геральдиканинг шаклланишидаги дастлабки қадам эди [6: 96-97].

Туркистон ўлкасининг Россия империяси томонидан босиб олиниши жараёни давомида ўлканинг маъмурий-худудий тузилиши, чегаралари ва уларнинг мақоми ўзгариб туриши баробарида, бу ерда империя давлатчилик рамзи сифатида шаҳарлар, вилоятлар ва ўлка гербидан иборат Туркистон генерал-губернаторлиги геральдикаси шаклланди. Маълумки, 1867 йилда дастлаб икки вилоятни – Еттисув ва Сирдарёни ўз ичига олган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилган. 1868 йилда Зарафшон округи, 1876 йилда эса Фарғона вилояти, 1887 йилда Зарафшон округи ўрнида Самарқанд вилояти ташкил қилинди. 1897 йилда Туркистон ўлкасига Каспийорти вилояти ҳам қўшилди. Айнан

шу йили, 1882 йилда Дашт генерал-губернаторлиги тассаруфига ўтказилган Еттисув вилояти Туркистон генерал-губернаторлигига қайтарилди. Ўлка худуди ва чегараларининг ўзгариб туриши, худуддаги маъмурий бирликлар мақомининг маълум бир давргача ноаниқ бўлганлиги, қолаверса, Россия империясининг маъмурий-бюрократик аппаратида иш юритиш жуда секин амалга оширилганлиги ўлкада расман тасдиқланган гербларнинг шаклланиш жараёнини ортга сурди.

Хусусан, Туркистон генерал-губернаторлигининг герби фақатгина 1882 йилнинг 20 майида қабул қилинади [23:1] (I расм). Архив манбаларида келтирилишича, Россия империясининг 1882 йил 3 ноябрдаги янги тахрирда қабул қилинган “Катта Давлат Герби тавсифи”да [23:3-4] ҳам Туркистон генерал-губернаторлиги герби келтирилади. Унга кўра:

“§3. Бош (Давлат герби) қалқоннинг тепасида олтига қалқон жойлаштирилган бўлиб, улар куйидагилардир...

... VI. Туркистон герби: олтин қалқонда ҳаракатланаётган, тўқ қизил кўз, тил ва шоҳли қора бир шоҳли от” [23:4] (II расм).

Геральдика қоидаларига кўра, ушбу гербни таҳлил қиладиган бўлсак, герб қалқони анъанавий француз қалқонида тасвирланган. Бунинг сабаби Россия империясига геральдика Петр I даврида француз герольдларини жалб этиш орқали шаклланганлигидадир. Шу туфайли ўлкадаги герблар ҳам француз геральдикиси йўналишида бўлган. Қалқон ранги – олтин металл кўринишида бўлиб, олтин металл – кудрат ва бойлик рамзи ҳисобланган. Қалқонда тасвирланган бир шоҳли от (яккашоҳ, единорог) – ногеральдик герб фигураси бўлиб, мулоҳазакорлик, тозалик, эҳтиёткорлик, қаттиққўллик ва талабчанлик рамзи ҳисобланади. Византия императорлари томонидан давлат рамзи сифатида икки бошли бургут билан биргаликда собиқ Рим империясининг тўртта йирик префектураси гербларида ишлатилган бўлиб, булар: Италия – бургут, Галлия – гриф, Иллирия – шер ва Осиё – бир шоҳли от [2:4]. Эҳтимол, Византия империяси давлатчилигининг меросхўри сифатида ўзини айнанлаштирувчи Россия империяси қадимги Осиё рамзини Византия сингари Туркистонга нисбатан қўлагандир. Бир шоҳли отнинг қора рангда тасвирланиши геральдика қоидалари бўйича донишмандлик, жиддийлик рамзи, унинг кўзи, тили ва шоҳининг қизил рангда эканлиги эса кудрат, ёшлик каби маъноларни билдириб келган.

Яна бир қизиқарли жиҳати шундаки, яккашоҳ XVI-XVII асрлардаги рус подшоларининг давлат муҳрларини безаган. Е.В. Пчеловнинг таъкидлашича, ўша пайтда бу рамз чуқур диний (христиан) маънога эга эди [19: 68]. Бироқ, Туркистон герби яратилган пайтга келиб, у аллақачон диний маъносини йўқотган ва фантастик, экзотика элементи сифатида кўрилган ҳамда Россияда Шарқ билан боғлиқ рамз сифатида баҳоланган [19:134].

Гербнинг I расмда келтирилган тўлиқ кўринишида қалқон тутувчи (щитодержатель) ўрнига Андрей тасмаси билан ўралган олтин эман шоҳларидан иборат арматура (арматура – геральдикада қалқон атрофида ёки унинг ортидаги ҳарбий ёки бошқа турдаги эмблема ва предметлар) [25] тасвирланган. Эман геральдикада матонат, мустаҳкамлик, доимийлик, донолик ва чидамлилик рамзи ҳисобланади. Эман танаси, шоҳлари, барглари ва ҳақалаклар кўп халқларнинг геральдикиси ва эмблематикасида қўлланилган. Агар эман ҳақалаклари билан тасвирланса, бу етук куч ва қувват рамзи бўлган. Агар ҳақалакларсиз тасвирланса, бу ёш куч, ғайрат ва қувват рамзи ҳисобланган. Геральдикада эман барглари турли рангларда – яшил, кумуш ва олтинда тасвирланиши мумкин бўлган. XIX асрдан бошлаб Россия империясининг барча ўлкалари (губерниялари) гербларини эман шоҳлари билан безатилган ҳолда тасвирлаш урф бўлган.

Эман шоҳларини ўраб турувчи Андрей тасмаси эса мовий рангдаги ипак мато кўринишида бўлиб, у Россия империясидаги энг олий орденлардан бири – Андрей Первозванни ордени учун ишлатилган тасмадан келиб чиқиб номланган (III расм). У рус геральдикисида губерниялар марказлари бўлган шаҳарлар, пойтахт шаҳарлар ва ҳукмронлик қилувчи шахслар вақтинчалик истиқомат қилувчи шаҳарлар гербларини

безатишда қўлланилган. Шунингдек, герб қалқони тепасига император тожи жойлаштирилган.

Архив манбаларида таъкидланишича, ушбу герб Россия империяси Сенати ҳузурда фаолият кўрсатган Герольдия Департаменти герблар бўлими рассоми Зотов томонидан чизилган. Бу хизмати эвазига унга Туркистон генерал-губернаторлиги ҳисобидан 12 руб. ҳақ тўланиши назарда тутилган эди [23:6].

Кейинчалик Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирувчи вилоятлар ва шаҳарлар учун ҳам герблар тасдиқланган бўлиб, уларнинг яратилишида ўлка табиати, хўжалиги ва тарихидан келиб чиқиб ёндашилган [8:37-41]. Россия империяси даврида тасдиқланган барча герблар Совет Иттифоқида де-факто ўз кучини йўқотган ва бекор қилинган деб ҳисобланса-да де-юре улар расмий равишда ҳеч ким бекор қилмаган эди.

Шундай қилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги герби биз учун мустамлака даврида минтақада қарор топган Россия империясининг давлатчилик рамзи ҳамда империя олий ҳокимиятининг ўлка шаҳарларига бўлган муносабатини кўрсатувчи манба бўлиб хизмат қилади. Ушбу герб бизга олий ҳокимият вакиллари ўлкага бўлган муносабатини ва уни Россия империяси давлатчилик тизимидаги ўрнини кўрсатади. Шунингдек, ушбу герб ўзида шаҳарнинг маъмурий статуси, географияси, табиати ва хўжалиги каби амалий маълумотларни ҳам мужассам этган.

Хулоса қилиб айтганда, Туркистон генерал-губернаторлиги геральдикасини тадқиқ этиш ушбу даврда ўлка тарихи, алоҳида вилоятлар ва шаҳарлар тарихини тадқиқ этишда муҳим манба бўла олади. Шунингдек, ушбу герблар у ёки бу архив ҳужжатлари ва манбаларнинг яратилган санаси ва жойини аниқлашда ёрдам беради. Қолаверса, ушбу герблар семантикасини таҳлил этиш мустамлака давридаги давлатчилик масалалари тарихини ёритувчи манба бўла олади.

Шу ўринда Россия империясининг ўлкадаги ва метрополиядаги амалдорлари ушбу гербларга нисбатан давлатчилик рамзи билан бир вақтда легитимация воситаси сифатида қараганликлари шубҳасизлигини таъкидлаш лозим. Зеро, ушбу гербларда ўлканинг диний, тарихий ва маҳаллий қадриятларига мурожаат этиш орқали маҳаллий аҳоли олдида ўзига хос равишда легитимациялашиш ва давлатчилик узвийлиги ёки изчиллигини кўрсатмоқчи бўлишган. Фикримизча, бугунги кунда ушбу манбаларни – гербларни тасвирини таҳлил этиш ўзбек давлатчилиги тарихининг ҳали тадқиқ этилмаган жиҳатларини ёритиш учун хизмат қилади.



I расм. Туркистон генерал-губернаторлиги герби (1882).



II расм. Россия империясининг тўлик (катта) герби. (юқори қисм чап тарафда Туркистон герби тасвирланган).

III расм. Андрей тасмаси.



IV расм. Самарқанд вилояти герби (1890).



V расм. Тошкент шаҳри герби лойиҳаси (1866).

#### Foydalangan adabiyotlar ro`yxati:

1. Arthur Charles Fox-Davies. A complete guide to heraldry. London, Edinburgh: T.C. & E.C. Jack, 1909.
2. Köhne V.B. Das Kaiserlich Russische Reichs-Wappen. Reiter und Doppel-Adler (Hierzu zwei Tafeln). Berlin, 1882.
3. Manassero N. Tamgas, a code of the Steppes, Identity Marks and Writing among the Ancient Iranians // The Silk Road. Vol. 11. Seattle, 2013. P. 60-69.
4. Otfried Neubecker. Heraldik. Wappen – ihr Ursprung, Sinn und Wert. Frankfurt am Main: Krüger, 1977.
5. Traditional Marking Systems: A Preliminary Survey. Dunkling Books, London & Dover, 2010. P. 18.
6. Адилов Ж.Х. История создания городского герба Ташкента (вторая половина 60-х годов XIX века – начало XX века) // Вспомогательные исторические дисциплины в современном научном знании: Материалы XXVIII Междунар. науч. конф. Москва, 14-16 апр. 2016 г. М.: Аквилон, 2016. С. 96-97.
7. Адилов Ж.Х. Туркистон генерал-губернаторлиги Самарқанд вилояти герби: давлатчилик рамзи ва легитимация воситаси // Самарқанд ва Зарафшон воҳаси тарихи замонавий тадқиқотларда. Самарқанд ўқишлари – I. Тошкент: Akademnashr, 2020. Б. 159-167.
8. Адилов Ж.Х., Усаров У.А. Гербы – как важный источник по истории Туркестанского генерал-губернаторства(на примере Ташкентского городского герба) // Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XIII илмий-амалий конференцияси тезислари. Тошкент, 2016. С. 37-41.
9. Алимова Д.А. Состояние народного хозяйства, налоговая и денежная политика, воинское дело и геральдика Хорезмской Народной Советской Республики // Хорезм в истории государственности Узбекистана. Ташкент: Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти, 2013.С. 269-270.
10. Арапов А. Первый герб Ташкента (1909 год)// URL: <https://mytashkent.uz/2012/09/14/pervyj-gerb-tashkenta-1909-god>;
11. Бочин В.А. Разновидности герба Хорезмской народной республики на бумажных и шелковых денежных знаках // Вестник ККОАН РУз. Нукус, 2002. № 5.С. 92;
12. Гербы Средней Азии// URL: <https://mytashkent.uz/2013/02/24/gerby-srednej-azii>

13. Гусарова Т.П., Дмитриева О.В., Филиппов И.С. и др. Введение в специальные исторические дисциплины. М.: Изд-во МГУ, 1990.
14. Пчелов Е. Геральдика в ряду вспомогательных исторических дисциплин // Гербовед. №30. М., 1998. С. 118-127;
15. Пчелов Е. Геральдика и её место в системе вспомогательных исторических дисциплин // Геральдика в прошлом, настоящем и будущем. Материалы конференции к 20-летию Геральдического семинара при Государственном Эрмитаже. СПб., 2000. С. 50-52;
16. Пчелов Е. Геральдика как источник для изучения менталитета // Вспомогательные исторические дисциплины: высшая школа, исследовательская деятельность, общественные организации. Тезисы конференции кафедры ИВИД ИАИ РГГУ. М., 1994. С. 126-127;
17. Пчелов Е. Городская геральдика дореволюционной России: основные тенденции исторического развития // Вестник РГГУ. № 4(37), 2018. С. 109-116;
18. Пчелов Е. Городская геральдика Российской империи: основные тенденции исторического развития // Вспомогательные исторические дисциплины в современном научном знании. Материалы XXIX Международной научной конференции. М., 2017. С. 27-30;
19. Пчелов Е.В. Российский государственный герб: композиция, стилистика и семантика в историческом контексте. М.: РГГУ, 2005.
20. Рево О. Гербы городов Сырдарьинской области Российской империи // Наука и жизнь. 1998. № 4. С. 15;
21. Туркестан и Средняя Азия в составе Российской империи // URL: <http://www.heraldicum.ru/uzbekstn/gubernii.htm>
22. Тутов А. Герб Туркестанского генерал-губернаторства // URL: <https://mytashkent.uz/2012/09/18/gerb-turkestanskogo-general-gubernatorstva>;
23. Ўз МА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 2407-иш.
24. Шевцов В.В., Полухин А.Н. Вспомогательные исторические дисциплины: нумизматика, геральдика: уч.-мет. пос. Томск: Издательский Дом ТГУ, 2018.
25. URL: <https://www.proza.ru/2015/11/03/1033>